

Покистон фоизсиз банк тизмига ўтмоқчи



15:13 / 28.11.2018 2390

Покистон Дин ишлари раҳбари Исломий банк тизмида фоиз олишнинг мумкин эмаслигини маълум қилиб, Покистон банкларида ҳам худди шундай тартибда фаолият йўлга қўйилишини эътироф этган. Бу ҳақда IQNA хабар беради.

Хабарда айтилишича, Дин ишлари раҳбари Нуруллоҳ Қодирӣ: “Мадина ал-Наби”дек ислом диёрига эга бўлишни хоҳлайдиган бўлсак, банк тизимимиздан фоизни олиб ташлашимиз керак. Бу биринчи муҳим қадам бўлади. Бу борада жиддий муҳокамлар ўтказдик ва банк тизимидан фоизларни тўлиқ йўқотиш борасида стратегияларимизни аниқлаб олдик”, дея фикр билдирган.

Бундан ташқари, Покистон Дин ишлари раҳбари “Исломий адолат кенгаши” қонунига мувофиқ, бу борада амалга ошириладиган вазифалар Қуръони карим ва Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларига зид бўлмаслигини таъкидлаган.

Islom.uz портали тахририяти